# КУЧ — АДОЛАТДА

2011 йил, 1 декабрь, пайшанба
№ 47 (353)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# Она ва бола саломатлигини муҳофазалашнинг миллий модели эътирофи



**Тошкент шаҳрида 25 — 26 ноябрь кунлари "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Мазкур халқаро анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар ҳамда Аҳолишунослик жамғармалари каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилар иштирок этди.**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳоли соғлигини, жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, соғлом наслни вояга етказиш, бу борада ягона миллий тизимни яратиш, тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилган туб ислоҳотлар самараларини чуқур таҳлил қилиш илмий анжуманнинг асосий мавзуси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари симпозиумнинг барча иштирокчиларини қутлар экан, яқинда бунёд этилган, миллий ва замонавий архитектура ҳамда шаҳарсозликнинг энг яхши намуналарини ўзида мужассам этган Миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройининг илк меҳмонлари энг инсонпарвар ва олижаноб соҳа — оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган ушбу халқаро форум иштирокчилари эканлигининг ўзи кўп жиҳатдан рамзий ва тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда умумэътироф этилган шиор — «Соғлом она — соғлом бола» тамойили, ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айлангани ҳам алоҳида таъкидланди. Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойдевор яратилди, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 ноябрда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ЖССТнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантириш, хотин-қизлар ва болалар соғлигини сақлашнинг Глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Маргарет Ченга мамлакатимизнинг ушбу юксак мукофотини топширди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ўз сўзида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига, шу жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга улкан эътибор қаратилаётгани, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бош устувор йўналиш этиб белгиланганi нафақат бугунги кун, балки келажак нуқтаи назаридан ҳам энг тўғри стратегия эканини алоҳида таъкидлади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд судьялари ҳамда фуқаролик, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми



Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган Пленум мажлисида мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлайдиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантирилгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган инсон ҳуқуқларига оид қоида ва талаблар миллий қонунчиликнинг негизини ташкил этиши баробарида уларнинг амалда таъминланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилгани ўз самарасини бераётир.

Мажлисда **«Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»**ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига ҳадемай 19 йил тўлади. Ушбу тарихий ҳужжатнинг қабул қилиниши билан боғлиқ жараёнлар ҳақида фикр юритганда, беихтиёр истиқлол арафасида юртимизда кечган ижтимоий-сиёсий воқеалар кўз ўнгимизда намоён бўлади.**




*8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

# Конституция — барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётимиз асоси

Аввало шуни қайд этиш керакки, Ватанимиз мустақиллиги осонликча қўлга киритилгани йўқ. Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»** номли асари билан танишган ҳар бир ўқувчи истиқлол арафасида мамлакатимизда юзага келган ўта қалтис, таҳликали ва оғир вазият, халқимизни муқаррар ҳалокатдан қутқариш учун донолик ва қатъият билан ташланган муҳим қадамлар, туб бурилиш ясашга оид жараён, эзгу мақсад сари йўналтирилган оқилона сиёсатга гувоҳ бўлади.

Асарда таъкидланганидек, **замоннинг ўзи халқимизнинг бундан буён эскича яшай олмаслигини очиқ-ойдин кўрсатгани, жамиятни янгилаш учун курашга отланган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур эканини тақозо этгани, бунга эришишнинг бирдан-бир йўли миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзликни англашга эътибор беришимиз, илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланишимиз, энг муҳими, ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан ҳаракат қилишимизга зарурат туғилган эди.**

Айтиш керакки, истиқлол арафасида халқимиз эришган асосий ютуқлардан бири юртимизда Президентлик бошқаруви институтининг жорий этилгани бўлса, иккинчиси, парламент томонидан «Мустақиллик Декларацияси»нинг (1990 йил 20 июнь) қабул қилингани мамлакатимизда жаҳон цивилизациясига мос тарзда ислоҳотларни амалга оширишга имкон яратди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*E`tirof*

# Буюк келажак йўлидаги эзгу мақсадлар

**Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан ёшларнинг маънавий ва жисмоний тарбияси ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига жиддий эътибор қаратилди, ўтган давр мобайнида бу борада тенгсиз ишлар амалга оширилди. Зеро, ёш авлоднинг маънавий ҳамда жисмоний салоҳиятини уйғунлаштириш ва уларни эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этиш ҳар бир даврнинг, яна ҳам аниқроғи, миллатнинг, давлатнинг, жамиятнинг бирламчи вазифасидир.**

(Давоми тўртинчи бетда)



**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатлари асосида барча мулк шаклидаги корхоналар ва иқтисодиёт тизимининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасида соғлом муҳитни шакллантирувчи ҳуқуқий асос — шартномавий муносабатлар юзага келди ва қонуний меъёрлар билан мустаҳкамланди.**

*Iqtisodiyotimiz tamoyillari*

# Контрактация шартномаси

## иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида алоҳида ўрин тутади

Маълумки, мамлакатимизда шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонун, Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ ёритиб берилган. Бугун биз ана шундай ҳуқуқий муносабатлардан бири — контракция шартномаси ҳақида фикр юритамиз. Чунки шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда контрактация шартномаси ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Хусусан, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса, маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низом тасдиқланган бўлиб, ушбу низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб боришни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Huquqiy ma`rifat*

# Ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда

**Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган изчил ислоҳотлар жараёнида жамиятнинг қуйи бўғини бўлган оиланинг ҳуқуқий асослари ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Зеро, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида қайд этилганидек, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.**

**Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ўткир ХОЛОВ билан суҳбати оила, унда камолга етаётган фарзандлар келажаги билан боғлиқ ҳуқуқий асослар ҳақида бўлди.**

— Юртимизда оила авлодлар давомийлиги таъминланадиган, фарзандлар камолга етадиган мўътабар даргоҳ сифатида эъзозланади, — **дейди Ў.Холов.** — Шу боис ҳам мамлакатимизда оилага жамиятнинг муҳим бўғини сифатида қаралади. Соғлом оилавий муҳитни шакллантириш ва шу орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Конституциямизнинг 14-боби оилага бағишланганлиги ҳам ушбу фикр нақадар асосли эканлигини тасдиқлайди.

Бош қонунимизда нафақат оила, балки унда камолга етаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси ҳам алоҳида ўрин олган. Жумладан, Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши белгиланган. Шунингдек, Асосий қонунимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган.

Конституциявий принципларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ўтган давр мобайнида қатор кодекс ва қонунлар қабул қилинди. Бунга мисол қилиб Оила кодекси ва **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонунни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Anjuman*

# Судьялар ва суд ходимларини тайёрлашнинг долзарб масалалари

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.**

(Давоми учинчи бетда)

